



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 11 сентябр, сешанба № 144 (1158)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ


**Ватанимиз истиклолининг ўн йиллик тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизда яна бир улкан байрам - теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бошланди.**

Мана, бир неча йилдирки, «Президент кубоги» турнири катта муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. «АТП-Тур» турнирлари рейтингда мазкур мусобақанинг тобора юқори ўринларга кўтарилиб, нуфузи ортиб бораётгани унга бўлган қизиқишнинг кучайишига олиб келяпти. Бу йил ҳам мусобақанинг ёритиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб журналистлар иштирок этаётгани фикримизнинг далилидир.

10 сентябр куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш

маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ушбу ажайиб спорт саройида теннис бўйича саккизинчи бор ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнирининг барча иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга мамнуният бахш этади, - деди давлатимиз раҳбари. - Мазкур турнир мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаётган ушбу кунларда ўтказилаётгани билан алоҳида ахамият касб этади.



Президентимиз ушбу мусобақа, энг аввало, дунё теннисининг тан олинган усталари иштирок этаётгани билан ҳам катта нуфузга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур теннис усталари ҳақли равишда чиройли, оммавий ва жозибдор бу ўйин мухлислари, айниқса, ёшларимиз ибрат олса арзийдиган кишиларга айланди.

Президентимиз, бу турнирда кўп йиллардан буён мунтазам қатнашиб келаяётган атоқли спортчиларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Улар - Евгений Кафельников ва Марат Сафин, До-

миник Хрбаты, Николас Кифер, Марк Россе ва бошқа кўплаб ракетка усталаридир. Ушбу теннисчилар спортнинг мана шу гўзал, жозибдор ва оммабоп тури мухлисларининг муҳаббати ва ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар.

Бу йил «Президент кубоги» турнирининг соврин жамғармаси янада кўпайди. У 550 миң АҚШ доллари миқдорига белгиланган.

Турнирда йигирмадан ортик давлат, жумладан, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Исроилнинг таниқли теннис усталари қатнашяпти.

Уларнинг аксарияти дунё теннис рейтингига энг юқори ўринларни эгаллаб турган спортчилардир.

Мусобақада мамлакатимиз шарафини Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко ҳимоя қилмоқда.

«Президент кубоги» турнирининг асосчиларидан бири Сассон Какшური мусобақанинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда қисқа вақтда энг замонавий талабларга жавоб берадиган кортлар курилиб, фойдаланишга ҳурмат билан, Италия, Исроилнинг таниқли теннис усталари қатнашяпти.

сафидан жой олди. Бу эса «Президент кубоги» АТП-Тур» туркумидаги расмий турнирлар сирасига кириб, довруғининг тинмай ошиб боришида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мусобақа Осийё қитъасидаги энг нуфузли турнирига айланиб улғурди. Шу боис С.Какшурининг, Ўзбекистонни теннисда Осийёнинг энг етакчи давлатларидан бири, деб атаганида асло муболага йўқ.

Тошкентда бўлиб ўтаётган мусобақани кўзатиш учун мамлакатимизга «АТП» директорлар кенгаши аъзолари Грэм Пирс ва Дэвид Фелгейтинг келгани «Президент кубоги»нинг нуфузи ўта юқори эканидан яна бир далил бўлади.

Давлатимиз раҳбари турнирдаги иштироки учун уларга ҳам миннатдорлик изҳор этди.

Президент Ислам Каримов мусобақани очиб деб эълон қилгандан сўнг, майдонга таниқли теннисчилар Николас Кифер ва Даниил Вацек чиқди.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» учун жўшқин мусобақалар бошланди.

**Анвар КАРИМОВ, Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, (ЎЗА) муҳриллари А.ТЎРАЕВ, Д. ЮСПУВ (ЎЗА) олган суратлар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Шонли байрам - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан гоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон давлатчилиги қайта тикланганлигининг ўн йиллигини Ватанингизнинг барча ҳақиқий дўстлари нишонламоқдалар.

Қардош ўзбек халқи меҳнат, қураш ва бунёдкорлик билан ўтган ўн йил мобайнида қайтадан қудратли ва гуллаб-яшнаётган давлатни бунёд этди, унинг тугган мавқеи кўп жиҳатдан минтақадаги сиёсий вазиятни белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон давлатини ривожлантириш ва тиклашга Сиз Ватан манфаати йўлидаги тинимсиз ва ташаббускор меҳнатингиз билан гоят катта ҳисса қўшдингиз.

Шуни қайд этиб ўтиш қувончлики, икки томонлама асосда, шунингдек, бир қанча халқаро лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб, тобора жўшқин тус олиб бормоқда.

Пировардида Сизга ва барча ватандошларингизга янги-янги муваффақиятлар, бахт-саодат ва эзуликлар тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,  
**Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,**  
Грузия Президенти.

\*\*\*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига шахсан ўз номимдан ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи номидан энг самимий табриклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига шахсан ўз номимдан мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, мамлакатингизга эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**Абдуллоҳ ИККИНЧИ,**  
Иордания Ҳошимийлар  
Подшоҳлиги Подшоҳи.

\*\*\*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Кипр Республикаси халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига гоят қизгин қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ва омонлик, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилайман.

Кипр билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари келгусида ривожланиб, сифат жиҳатдан яхшиллари боришига ишончим комил.

**Глафкос КЛЕРИДИС,**  
Кипр Республикаси Президенти.

\*\*\*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Миллий куни муносабати билан грек халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин ва самимий қутловлар йўллашни истардим.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, шахсан Сизга омонлик, шунингдек, Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилаб сидқидилдан билдирилган истакларимни изҳор этаман.

**Константинос СТЕФАНУПОЛС,**  
Греция Республикаси Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**КИЧИК КОРХОНАЛАР, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ, УЛАРГА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ, БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ Бўйича Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

**Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда бундан буён жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва ҳом ашё ресурслари олишини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тижорат банклари янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес корхоналари, фермер ва деҳқон хўжалиқларини уларнинг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фақат янгидан очилган корхоналарга берилади;

(бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларидан мақсадли кредит линиялари очишга йўналтирилади; микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон (юрidik шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжалиқларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фақат янгидан очилган корхоналарга берилади;

Белгилансинки: «Бизнес-фонд»нинг давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган кредит ресурсларининг камида 50 фоизи, шунингдек Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 фоизи ҳар йили микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон (юрidik шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжалиқларининг дастлабки

кўрсатиб ўтилган мақсадли кредит линиялари ҳисобига олинган дастлабки (бошланғич) сармоя кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаштириш ишлаб чиқишига, асбоб-ускуналар олинишига йўналтирилиши мумкин.

сармояни шакллантириш учун кредитлар;

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг олтидан бир қисми миқдорига имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқисиз микрофирмалар ва деҳқон (юрidik шахс мақомига эга бўлган) хўжалиқлари учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжалиқлари учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача;

фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтган қайтаришни бошлаш шартларида берилади.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, «Бизнес-фонд» ўн кун муддатда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобига яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан кредит бериш тартибига

мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган, 2001 йил 1 июлдаги ҳолатига кўра белгиланган тартибга мувофиқ «Бизнес-фонд»га йўналтирилган маблағларни қайтариш муддатини, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларидан кредит линиялари очишда мақсадли фойдаланган ҳолда, кечиктириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Кўрсатиб ўтилган ресурслар 2006 йилдан бошлаб 5 йил муддат давомида қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

(Давоми 2-бетда).



## Йигим-терим ва касаба уюшмалари

**Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг воҳа ахлига мурожаати далаларда фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларнинг қучиғакуч, гайратига-гайрат қўшиди. Юзлаб касаба уюшма фаоллари «оқ олтин» ижодкорларига ёрдамга отландилар.**

— Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси, сессияда қабул қилинган қонун ҳужжатлари дала меҳнаткашларини янги марралар сари руҳлантириб юборди, — дейди биз билан сўхбатда вилоят Агрисаноат мажмуи ҳодимлари қасбда уюшма қўмитаси раиси Ю.Мелентев.

Бу йил 7 миң тонналик улкан хирмонни яратишга аҳду паймон қилган Усмон Юсупов туманидаги Жейнов пайчилик хўжалиги далаларида терим машиналари тўла қувват би-

далада ишлаётганларга ҳамма қўлайликлар яратилган. Механизаторларга икки маҳал бепул иссиқ овқат берилаётди. Сут-қатик маҳсулотларида ҳам узилишлар йўқ.

Йигим-терим натижалари ҳар беш кунда яқунланиб, илгорлар қимматбахо совгалар билан мукофотланмоқда. Иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилаяпти. Қўриқдаги яна бир меҳнат жамоаси Маматқожи Жумақуллов раислик қилаётган Фафур Гулом номли кооператив ширкат хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва «Нуроний» жамғармасининг мурожаатнома-си матбуот, радио ва телевидение орқали пахтакорларга етказилди.

Бугунги кунда маданият ва савдо ходимлари, шифокор-у дориснослар пахтакорларга ҳамқору ҳамнафас. Биз Нишон туман марказий шифохонасининг бош ҳақими Сардор Эркаев, санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Қудрат Бекмаматов ва марказий дорихона мудири Тўлқин Зойировларни Ибн Сино номли хўжалиқнинг дала шийпо-нида учратдик. Улар бу ерга пахта тераётган қишлоқ хўжалик коллегия талабаларидан хабар олгани келишган экан.

ЎЛКИН



Бу ҳақда Олий Мажлис сессиясида гапирилган эди

Республикамиз раҳбари Олий Мажлис олтинчи сессиясида таъкидлаганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти жазолаш эмас, балки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Ҳўш, Хоразм вилоятида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини химоя қилиш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

Мухбиримизнинг вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Дилшод Исроилов билан музоҳабаси ана шу ҳақда.

— Сир эмас, терроризм ва наркобизнес, унинг касофати бугун барчани чуқур ўйлантиряпти. — Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирлар яхши самара бераёпти. Гиёҳвандликка қарши мурасасиз кураш олиб бориляпти. Шу ўринда биргина мисолга эътиборни қаратсак, Бундан тўрт йил аввал ўтказилган тадбирларда юртимизга турли йўллар билан олиб кирилган 487 грамм героин гиёҳвандлик моддаси далилий ашё сифатида ушланиб, йўқ қилинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 12,5 килограммни ташкил этди. «Оқ ажал» асосан Тожикистон Республикаси орқали бизга ўтиб келаётганлиги ва уни ташувчиларнинг аксарияти аёллар эканлиги гоё ачинарли ҳол, албатта.

Яна бир хунук томони — ана шу ташувчиларни айрим нопок ички ишлар ва боғхона хизмати ходимлари ҳам қўллаб-қувватлаб турганлиги-дир. Улар шахси аниқланиб, амалдаги қонунлар асосида жавобгарликка тортилмоқда.

— Жиноятнинг олдини олган маъқул, деган гап бор. «Оқ ажал» касофати борасида юқорида келтирилган далиллар янада синчковлик, хушёр бўлишга қақиради. Шундай эмасми?

— Тўғри. Жорий йилнинг биринчи чорагида Хазорасп туманидан бир оила — 6 нафар киши гиёҳвандликка ружу қўйганлар қурбони бўлишди. Улар орасида 5 ёшли норасида гўдак ҳам бор. Ёки Гурлан туманида гиёҳвандлар аҳоли тинчлигини бузиб, босқинчилик қилаётганида кўлга олинди. Саволга жавобни айнан ана шу мисоллардан бошлаганимиз бежиз эмас. Сабоби, жиноятчиликнинг олдини олишда биринчи галда тарғибот ишлари муҳим ўрин ту-

БҮРЧ МАСЪУЛИЯТИ

БУНИ ХОРАЗМЛИК ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР ХОДИМЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИС ҚИЛИШАПТИ?

дениеси йўқ. Кунига бор-йўғи икки соат кўрсатувларга ўрин ажратилган. Насиб этса, келгуси йилдан вилоятнинг ўз телевидение кўрсатувлари бўлади. Очиғи, бу баҳона эмас. Тарғибот ва ташвиқотнинг йўллари кўп. Масалан, гиёҳвандлик билан шуғулланган кишилар ҳаёти, у келтирилган асоратлар жамланмасини тасмаларга тушириб, барча мактаб, олий ўқув юртига, маҳаллаларга тарқатди. Вақти-вақти билан ана шу жойларда «Давра суҳбатлари», ҳуқуқий мавзуларда очик дарслар ўтиляпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

Тарғибот ҳақида яна бир янгилик — жорий йилда тажриба тариқасида республикада илк бор вилоятимизда айнан гиёҳвандлик билан мунтазам шуғулланиб келган жиноятчилардан тўрт нафарининг суди Урганч шаҳридаги қоллежларда бўлиб ўтди. Суд жараёнида жиноятчиларга савол-жавобларни асосан ўқувчилар ота-оналар беришди. Бу ёшларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантиришдан ташқари гиёҳвандликка қарши уларда нафрат уйғониши шубҳасиз.

— Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан фуқароларнинг

ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш асоссиз равишда қўзилиб кетаётганлиги танқид остига олинди. — Юртбошимизнинг Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак, деган фикрлари барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. Шу маънода Олий Мажлис сессияси ҳужжатлари ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, давр талаби

тортилди. — Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан прокуратура ходимлари бу борада қандай сай-ҳаракатлар қилмоқда? — Барча масалалар қаторида ана шу муҳим иш ҳам ҳаммаша эътиборимизда. Аммо муаммолар йўқ, деб бўлмайди. — Масалан, — Айтишлик, кўплаб корхона ва ташкилотлар янги иш ўринлари яратиб, аҳолини иш билан таъминлашга астойдил киришган бир пайта, айрим меҳнат биржалари ушбу долзарб масалага панжа орасидан қараб келаётирлар.

Жумладан, вилоят меҳнат биржасидаги кейинги текширувлар шуни кўрсатадики, мазкур ташкилот ходимлари вақтинчалик ишсиз қолган кишиларни ишга жойлаштириш, уларга янги иш ўринлари яратиш бериш ўрнига жиний ишга қўл урганлар. Яъни, ҳукумат томонидан ажратилган кредитлар баъзи идора раҳбарлари томонидан шахсий манфаат учун сарфлаб юборилган. Нафс балосига йўлиққан айрим мутахассислар аҳолини ишга жойлаштириш, деб қалбаки ҳужжатлар тузиб ўзларига муқофот пуллари ёзиб олишган. Ёки вилоятда вақтинчалик ишсизлар сони 100 минг нафар кишини ташкил этса-да, улар юқори ташкилотларга сохта маълумотлар жўнатиб, бу рақамни 10 минг нафар, деб кўрсатиб келганлар. Вақтида қирилган чора-тадбирлар натижасида улар тегишли жазо олдилар.

Айни пайтада вилоят прокуратураси аралашуви билан вақтинчалик ишсиз мақомини олган кишилар қайта ўқитилиш, ихтисослаштириляпти, иш билан таъминланапти. Бундан кейин ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи фаолиятимизда кенг ўрин олишига ҳаракат қилаверамиз.

Сухбатдош: Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий қўмитасининг бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов ва меҳнат-ҳуқуқ ноҳири Шерзод Солижоновлар жавоб беради

САВОЛ: турли хил мактаб ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар, шу жумладан, табиий газдан фойдаланишда назарда тутилган имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз.

И. ҲАМРАҚУЛОВ, Жиззах тумани, Фурқат кўчаси, 35-уй.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал

бир йилга 3110,4. Иситиладиган хонанинг белгиланган меъёрдан ортиқча ҳажми учун ҳақ амалдаги таъриф бўйича тўланади.

Табиий газ сарфи махсус ўлчақлар билан жиҳозланган уйларида, квартираларда имтиёзли тариф бўйича табиий газ билан таъминлаш кўйидаги тартибда тақсимланади.

Иситишга — иситиш мавсумининг ноябрдан мартгача (беш ой) бўлган давомийлигини ҳисобга олган ҳолда, им-

муносабати билан аҳолини ижтимоий химояга олиш чоралари», 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар» ҳақидаги Фармонига имтиёзлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги хатига асосан:

Педагог ходимларда давлат ёки корхона ташкилотлари ҳисобидаги яшаб турган уйи ёки турар жойларини шахсий мулкка ўтказиш хоҳиши туғилса, у ҳолда ёзма равишда ариза билан қўйидаги давлат органларига мурожаат қилишлари лозим:

а) маҳаллий ҳокимият ихтиёридаги уй-жойларда яшаб турувчилар — маҳаллий ҳокимиятга;

б) корхона ёки ташкилотлар ихтиёридаги уй-жойларда яшаб турувчилар — тегишли ташкилот ёки корхона раҳбарлигига мурожаат қилишлари лозим.

Ариза билан қўйидаги ҳужжатлар бўлиши зарур:

а) ариза берувчининг педагог, илмий педагог фаолиятини тасдиқловчи ҳужжат, пенсионерларга — туман халқ таълими бўлими, ўқув юртилари томонидан 10 йилдан кам бўлмаган иш мuddатини тасдиқловчи ҳужжат;

б) ордер нусхаси ёки турар жойининг паспорти;

в) ариза берувчи билан бирга истиқомат қилувчи, воёга етган барча оила аъзоларининг мазкур уй ёки турар жойининг шахсий ўз мулкига ўтказилишига ёзма равишда розилиги.

Маҳаллий ҳокимият, корхона ёки ташкилот раҳбарлари бир ой мuddат ичида ариза билан танишиб, уй ёки турар жойини педагог ходимга шахсий мулк сифатида ўз-ўзига берилиши ҳақида қарор қабул қилишлари керак.

Қабул қилинган мазкур қарор асосида маҳаллий ҳокимият, корхоналар — бир томондан ва педагог ходим иккинчи томондан уй ёки турар жойини шахсий мулк сифатида берилиши ҳақида олди-сотди битими тузилади.

Битимда қўйидаги маълумотлар келтирилади:

а) уй ёки турар жойининг тўлиқ маълумоти;

б) уй ёки турар жойининг умумий фойдаланадиган ва истиқомат қилинадиган ҳамда ёрдамчи хоналарни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир хона майдони;

в) уй ёки турар жойининг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган нархлар бўйича баҳоланиши;

г) бошқа керакли маълумотлар.

Уй ёки турар жойни олди-сотди бўйича тузилган битим ва уйнинг шахсий мулк сифатида берилиши ҳақидаги қарорни турар-жой бўйича ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, ташкилот ва корхоналар маҳаллий техник ҳужжалик мол-мулкни рўйхатга олиш қўмитаси (БТИ)га топширилади.

Ушбу қўмита уй ёки турар жойини шахсий мулк сифатида эгаллик ҳуқуқи ҳақидаги маълумотни рўйхатлар китобига киргизади ва мулк эгасининг ҳужжатларига рўйхатга олинганлигини қоида бўйича ёзиб қўяди.

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисидаги 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини ошириш, коммунал хизматлар ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида тўлиниши юзасидан жамоа масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 18 апрелда қабул қилинган 178-сонли Қарори, шунингдек «Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомига мувофиқ бундай енгилликдан фойдаланадиган фуқаролар учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газ ва қўмирдан фойдаланишнинг 2001 йил 1 июлдан бошлаб қўйидаги меъёрлари белгиланган:

1. Имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрлари 1 киши учун куб метр ҳисобида: марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган квартираларда овқат пиширишга бир ойга 9,0, бир йилга 108,0;

2. Уй-жойларни иситиш учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш меъёрлари, оиланинг имтиёзга эга бўлган аъзолари сонидан катъий назар, ҳар бир оила учун куб метр ҳисобида, иситиладиган хонанинг 108 куб метри ҳисобида белгиланган;

3. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга имтиёзли тарифлар бўйича суултирилган газдан фойдаланиш йилгига битта оила ҳисобига 283,8 куб метр миқдориди белгиланган.

4. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва марказий иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларида яшайдиган фуқароларга ёқилғи бериш йилгига битта оила ҳисобига 1 тонна қўмир миқдориди белгиланган.

САВОЛ: мен 1991 йил июн ойидан бўён Хива туман Абу Али ибн Сино номили 29-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, 7 йилдан бўён «Қорақум» ширкат ҳўжалиги баландлигида уйда яшайман. Мазкур уйни мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябр ва 1992 йил 5 февралдаги Фармонларида назарда тутилган қоидаларга кўра хусусий мулк қилиб олишга ҳақлимимми?

Мукаддас БОБОЖОНОВА.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Молия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва зирликларининг 1992 йил 27 февралдаги (№ 09.1-33/124, 03-165, 1 куб метри ҳисобига газ сарфи - 2,4 куб метр) бир ойга 259,2,

Овқат пиширишга ва газ воситасидаги сув иситишчилар ёрдамида иссиқ сув билан таъминлашга — «Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомига мувофиқ бундай енгилликдан фойдаланадиган фуқаролар учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газ ва қўмирдан фойдаланишнинг 2001 йил 1 июлдан бошлаб қўйидаги меъёрлари белгиланган:

1. Имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрлари 1 киши учун куб метр ҳисобида: марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган квартираларда овқат пиширишга бир ойга 9,0, бир йилга 108,0;

2. Уй-жойларни иситиш учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш меъёрлари, оиланинг имтиёзга эга бўлган аъзолари сонидан катъий назар, ҳар бир оила учун куб метр ҳисобида, иситиладиган хонанинг 108 куб метри ҳисобида белгиланган;

3. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга имтиёзли тарифлар бўйича суултирилган газдан фойдаланиш йилгига битта оила ҳисобига 283,8 куб метр миқдориди белгиланган.

4. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва марказий иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларида яшайдиган фуқароларга ёқилғи бериш йилгига битта оила ҳисобига 1 тонна қўмир миқдориди белгиланган.

Хўжалик ҳудудида санаторий

Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ҳудудида 120 ўринли «Оналар ва болалар» республика санаторийси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда она ва болаларнинг дам олишлари, ўз саломатликларини тиклаб, мароқли ҳордик чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Сихатгоҳда асосан буйрак ва ошқозоничак хасталиклари билан огриган беморлар даволанади.

Кенг ва ёруғ хоналар, спорт майдончалари, теннис корти, чўмпилиш ҳавзалари дам олувчи хизматида бўлади. Шунингдек, бу ерда дам олаётган ўқувчи ёшлар ўқув йили давомида дарслардан узилиб қолмаслиги учун махсус синф хоналари ташкил этилган.

Саломатлик мажмуасида 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари баъжарилади. Уч юз миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига ётоқхона, ошхона ва даволаш жиҳозлари келтирилди.

(ЎЗА).

Фарғона туманидаги «Миндон» қишлоғида 360 ўринли қурилиш касб-хунар коллежи барпо этилди.

Коллежининг ўқув хоналари, кутубхона, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ушбу ўқув даргоҳини бунёд этишда «Фарғона» моақурилиш» трестининг кўчма механизациялашган жамланмалари қурувчиларининг улуши катта бўлди.

Суратларда: иш юртувчилар Таваккал Тўхтасинов, Эркин Абдуллаев ва дурадгор Исоқ Раимқўзиёв суҳбат чоғида; касб-хунар коллежининг умумий кўриниши.

Муқимжон КОДИРОВ, (ЎЗА) олган суратлар.



Юбилей тангалари савдоси

Республика кўчмас мулк биржасида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб зарб этилган қиймати юз сўмга тенг юбилей тангаларининг кимошди савдоси ўтказилди.

12 хил кўринишда чекланган миқдорда чиқарилган мазкур тангалар пробаси 999,9 бўлган соф кумушдан тайёрланган. Ҳар бир танганиннг оғирлиги 31,1 грамм, диаметри эса 38 миллиметрди.

Юбилей тангаларига муайян тасвир туширилган. Шу боис улар тасвирлар мавзусига мос равишда алоҳида ном билан аталади.

Ўзбекистон Марказий банки билан ҳамкорликда ташкил этилган кимошди савдосида ҳамюртларимиз, корхона ва ташкилотлар, банклар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халққаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳамда чет эллик

меҳмонлар қатнашди. Нумизматик қийматга эга бундай тангалар кимошди савдоси мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилди. Илк кимошди савдоси 1997 йилда ташкил этилиб, унда олтин тангалар катта қизиқиш билан харид этилган эди. Юбилей тангаларининг бу галги кимошди савдоси ҳам харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Республика кўчмас мулк биржасидан маълум қилишларича, бу қизиқишнинг сабаби тангалар Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб зарб этилгани, нумизматик қиймати юқорилиги ва чекланган миқдорда чиқарилгани билан

ТАДБИРКОРЛИК ВА ҚИШЛОҚ АЁЛИ

Дўстлик туманидаги тиббиёт коллежида шу мавзуда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда қишлоқ аёллари ўртасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг вазифалари ҳақида сўз борди. Бу борада Жиззах вилоятида амалга ошириляётган ишлар таҳлил этилди, зарур тақлифлар ўртага ташланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Фулмова иштирок этди.

изоҳланади.

Кимошди савдосига қўйилган ҳар бир танганиннг бошланғич нархи 20 АҚШ доллари миқдориди белгиланган эди. 12 хилдаги танганиннг икки тўпламини ўзида жамлаган иккинчи лот - 24 та юбилей қумуш тангалари энг юқори нарх - 1000 АҚШ долларига сотилди. Савдога қўйилган тангалар бошланғич баҳосига нисбатан сотилиш нархининг ўртача ўсиш кўрсаткичи 1,51 баробарни ташкил қилди. Кимошди савдосининг барча лотлари харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, биттадан танга қўйилган лотлар савдоси пайтида «Мустақиллик», «Оқсарой», «Алишер Навоий», «Амир Темури», «Амир Темури музейи» тангалари кимошди савдоси иштирокчилари ўртасидаги рақобатни жонлантиргани диққатга сазовордир.

(ЎЗА).

Матбуот анжумани

С.КАКШУРИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Юнусобод спорт мажмуида "Президент кубоги" турнирига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Саккизинчи бор уюштирилган ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун жаҳоннинг етакчи ракета усталари бўлиш Кафелников, Сафин, Кифер, Хрбаты, Левиларнинг ташрифи кутилмоқда.

қиллигининг ўн йиллиги билан табриклар экан, Ўзбекистондаги теннис бўйича эришилган ютуқларга алоҳида тўхтади.

турнирлари эър уюшқоқлик билан ўтказилаётир. 1996 йилдан бошлаб Тошкентда аёллар ўртасида нуфузли Тошкент оупен халқро мусобақасига асос солинди.

Касаба уюшма тадбири

Кўхна ва хамиша навқирон Жиззах шахри яна бир спорт байрами иштирокчиларини бағрига олди.

Бу ерда мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Иланъанавий республика спартакиадасининг якуний мусобақалари бўлиб ўтди.

Спартакиада дастуридан минн футбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари ўрин олган бўлиб, унда Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими ходимлари терма командалари иштирок этдилар.

Стол тенниси бўйича аёллар ўртасида самарқандлик Феруза Аджевалиеванин қўли баланд келиб биринчи, андижонлик Мастура Жалилова иккинчи, Жиззахлик Наталья Яковенко учинчи

чиқишди. Шашка бўйича ҳам мусобақалар гоят қизгин тарзда ўтди. Унда эркаклар ўртасида самарқандлик М.Фозилов, бухоролик М.Алиев, сирдарёлик А.Ортиқов, аёллар ўрта

Айтиш мумкинки, мазкур спорт анжумани ташкилий жиҳатдан бир қадар устуниклари билан ажралиб турди. Яхшиси, бу ҳақда мусобақа иштирокчиларидан эшитилдик.

СПАРТАКИАДАНИНГ ЯКУНИЙ МУСОБАҚАЛАРИДА



Нигора ЭРЖИГИТОВА

Оқолтин туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Мен Чирчиқда ўтказилган I-спартакиадада ҳам шашка бўйича қатнашиб, илиқ таассурот билан қайтгандим. Аммо буни янада юксак савияга ўтди. Айниқса, жаҳон талаблариға жавоб берадиган Олимпия захиралари коллежи биз қатнашчиларға маъқул тушди.

Гулнора НОРОВА, Шеробод туман спорт мактаби ўқитувчиси:

— Яратилган шароитдан мамнунман. Стол тенниси бўйича мактабимиздан 2 киши қатнашдик. Спорт ёш танламайди, деганларидек, ҳамкасбим Толгат Муродов стол тенниси мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Мактабимизда 512 ўқувчи бўлиб, уларға кўплаб спорт турларидан сабоқ бериб келаямиз.

Камол УРОЛОВ, Булунгур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси:

— Узим юнон-рум кураши бўйича мураббий бўлсам-да, минн футбол жону дилим. Айниқса, дарвозани қўриқлаш ёқади. Спартакиадада иккинчи бор қатнашим. Утган йили жамоамизға унчалик омад кулиб боқмаганди. Шукрки, бу йил катта машаққатлар ҳисобига бўлса-да, жамоалар ўртасида биринчиликни қўлга киритдик.

Ойбек ХАМРОҚУЛОВ, Жиззах шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, спартакиаданин шахмат, шашка турлари бўйича бош ҳақами:

— Шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар хамиша қизгин баҳсларда ўтади. Бу галгиси ҳам муастасно эмас. Айниқса, самарқандлик Маркиел Фозилов, бухоролик Мухсин Алиев, сирдарёлик Алишер Ортиқов, аёллар ўртасида самарқандлик Лола Алиева, сирдарёлик Нигора Эржигитовалар комбинацияға бой юришлари билан барча мухлисларнинг хурматиға сазовор бўлишди. Истагим — спартакиада мазмунан янада ривожланса.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари

Учрашув бошланишидан 15-20 дақиқа аввал таблода Ўзбекистон терма жамоаси таркиби пайдо бўлди: Поляков, Ашурматов, Лушан, Влаисичев, Ақояни...

Ушбу ғалаба мақсадға эришишда юртдошларимизға қўшимча куч бағишлаш шубҳасиз. Лекин гуруҳда биринчи бўлиш осон эмас.

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

МАЙДОНДА

Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ўз фаолиятида меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спорт оммавийлигига эришиш масаласига жиддий


ХИТОЙ ДЕВОРИ ОШИБ ЎТИЛАДИМИ?

Йўқ, орадан бир қанча муддат ўтгач, ўйингоҳ суҳандони ўқиган таркибда Миржалолнинг фамилияси ҳам қайд этилди.

Энди бизнинг ҳисоби-мизда яна учта тўп бор эди. Ва бу не қувончки, башоратимиз рўёбға чиқди, энг муҳими, қолган тўплар ҳам Уммон дарвозасига киритилди.

да (ҳисоб — 1:1), ҳамон Милутинович шогирдларининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Лекин кўп нарса ўзаро учрашувда ойдинлашади.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



Йана бир гап. Одатда биз спортчиларнинг иримчилиги хусусида кўп сўз юритамиз. Лекин бу оқшом ўзимиз ҳам шундай ҳолни бошдан кечирдик.

Товнинг номиға битилган бўлса-да, унда шубҳасиз ўйиндан-ўйинға спорт формасини тиклаб бораётган Максим Шацкининг ҳиссаси катта.

Уммон билан ўтказилган ўйин Ўзбекистон терма жамоаси Хитой билан ҳам тенгма-тенг кураш олиб бориши мумкинлигига ва легионерларимизнинг аксарияти Европа футболли билан ошно жамоаларда тўп суриши эса хатто юксакроқ натижаға эришиш имконияти юртдошларимизда кўпроқ эканлигига умид уйғотмоқда.

этибор қаратиб келмоқда. Яқинда Наманган шаҳридаги «Спартак» ўйингоҳида катта кўтаринқилик билан ўтказилган «Отам, онам ва мен» деб номланган спартакиада беллашувларини бу борадаги сазй-ҳаракатлар давомий дөвий мумкин.

100 метрга югуриш бўйича маданият ходимлари касаба уюшма тармоқ кўмитаси спортчиси Ф.Хасанов эркаклар ўртасида, агросаноат ходимлари касаба уюшма тармоқ кўмитаси вакили Ё.Жураева оналар ўртасида, 60 метрга югуриш бўйича савдо ходимлари касаба уюшма тармоқ кўмитаси шарафини ҳимоя қилган А.Пўлатов болалар ўртасида голибликни қўлга киритди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



уринни эгаллашди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик Александр Чернишев, бухоролик Олим Юсупов, сирдарёлик Ботир Мансуровларнинг қўли баланд келди.



И. ХАСАНОВ олган суратлар.

Учрашув, кутилганидек майдон эгалларининг ҳужуми билан бошланди ва биринчи дақиқадаёқ Уммон терма жамоаси дарвозаси томон жарима тўпи белгиланди.

Албатта, сеvimли команданг ғалаба қозонган, яна у йирик ҳисоб билан мустақамлаб қўйилган чолларда, бу ҳақда қийналмай ёзиш ва озроқ қуошқондан чиқиш ҳам мумкин.

Хуллас, БАА билан кечган биринчи ўйиндаги муваффақиятсизлик энди асло қайтарилмаслиги чораларини кўриш даркор. Яна бир ҳаракат қилинса, Хитой девори ҳам ошиб ўтилади.

Уммон дарвозасига киритилган биринчи тўп эса қандайдир маънода Қатар билан кечган ўйиндаги ҳисобга олинмаган голға ўхшаб кетади.

Декан бу гал ярим ҳимоячимиз қўшиқни авж пардада бошлашдан ўзини тийди.

Дурангга қўймайсизми? — Сираямда! — Кишт!!! Бу ўйинда Файн 38 та кишт берди.

ҚАЙСАРЛИК

1936 йили Ноттингемдаги халқро турнирда Решевский билан Файн учрашув тўрт марта кечтирилди.

— Уйнайверамизми? — Бўлмасамчи! — Дурангға қўймайсизми? — Сираямда! — Кишт!!!

АМАЛГА ОШМАГАН ТАКЛИФЛАР

Москвалик гроссмейстер Котов билан бўлган

Шахмат ҳангомалари

бир ўйинда Решевский оғир аҳволға, бунинг устиға цейтнотта ҳам тушиб қолди.

— Дурангға розимисиз? — деб сўрайди. Решевский яхши билладиган Котов хайратланмай:

— Йўқ! - деди. Уйин давом этаверди. Котов буюроқ ўйнаб, устунликини йўқотди ва баравар вазиятда ўзи дуранг таклиф қилди.

Кейинчалик қандай бўлмасин утишға киришган Решевский яна оғир аҳволда қолди.

ҲИЙЛАЙ-ШАЪРИЙ

Решевскийнинг диний урф-одат ва маросимларни «ўрниға қўйиб» юради-

М.МУХИДДИНОВ

дан шаҳарғача 50 километр, диний ақидаларға кўра эса, яхудиайлар шанба кунн фақат пиёда юришлари мумкин.

ШОҲ — ПОДШО ЭМАС

1986 йил январ ойида Красноярск вилоятининг бошлиғи Григорий Шишков подшоликка тил теккизилгани тўғрисида Москваға хабар қилади.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР

Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Table with 7 columns: ЖАМОАЛАР, ў, ю, д, м, т, н, о. Rows include Хитой, Ўзбекистон, Қатар, БАА, Уммон.

Фахр

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ГИМНАСТИКАЧИ ҒАЛАБАСИ

Таниқли гимнастикачимиз Оксана Чусовитина узоқ Австралияда кўпсонли хорижий мухбирларға интервью бера экан.

Юртимиз тўйига қумуш медални тўёна қилганимдан бахтиёрман, - деди Оксана Тошкентға қайтганидан сўнг.

О.Чусовитина 27 августдан 9 сентябрга давом этадиган Яхши Ният ўйинлариға 2002 йилда якулланадиган Жаҳон кубоги учинчи босқичи якунлариға кўра махсус таклиф этилди.

(ЎЗА).

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Масъумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134